



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 13 июнь, № 114 (5788)

Пайшанба

Юқори технологияли тармоқлар ривожини

пойтахтимизда бўлиб ўтаётган саноат ярмаркаларида яққол акс этмоқда



Кеча “Ўзэксспомарказ” мажмуида VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида бир йўла учта тармоқ саноати ярмаркаси бошланди. Яъни Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, шунингдек, Ахборот тизимлари ва телекоммуникация корхоналарининг тармоқ саноати ярмаркалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 февралдаги “2013 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида уюштирилди.



Улар халқаро саноат форумининг дастлабки босқичини яқунловчи тадбирлар эканлиги учун ҳам янада аҳамиятлидир. Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иқтисодий тармоқлари, айниқса, саноатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Гап шундаки, у нафақат худудий ва тармоқ ичида, балки тармоқлар-аро ҳамда халқаро алоқаларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга хориз инвестициясини жалб этиш, янги ҳамкорлар иштирокида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш имконини янада кенгайтирди. Шу маънода, мазкур тадбир, унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида мустаҳкам кўприк вази-фасини ўтаётди. Унда иштирок этувчи-лар сони йил сайин муттасил ошиб бораётганининг боиси ҳам шунда.

Дарҳақиқат, ўтган галги саноат тармоқ ярмаркасида 207 та корхона, шу жумладан, хоризнинг 43 та фирма ва компанияси қарийб 1500 турдаги маҳсулотлари билан иштирок этган эди. Шундан 65 таси

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар бўлгани боис яқунда 297 та шартнома тузилди. Унга кўра, ички бозорга умумий қиймати 96,6 млрд. сўмлик, экспортга 40,1 млн. АҚШ долларлиқ саноат маҳсулотлари етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Жорий йилнинг 19-24 октябрь кунлари “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан “Ўзбеккино” миллий агентлиги билан ҳамкорликда III “Олтин Герард” Тошкент халқаро кинофоруми ўтказилди.

Халқаро кинофорумга таралду

Кеча пойтахтимизда мазкур кинофорумга тайёрларик ишларига бағишланган матбуот анжумани уюштирилди. Таниқли санъаткорлар, режиссёрлар ва санъатшунно мутахассислар қатнашган мазкур тадбирда навбатдаги йирик халқаро киноанжуманга тақдим этиладиган фильмлар, кинофорум доирасида бўлиб ўтадиган учрашув ва мулоқотлар ҳақида атрафли-ча маълумот берилди. Қайд этилганидек, жорий йилнинг февраль ойидан 10 июлга қадар танлов ва танловдан ташқари дастурларда иштирок этиш учун тўлиқ ва қисқа метражли, анимацион фильмлар қабул қилинмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Харидоргир бўёқлар

Ўрта Чирчиқ туманида уч йилдан буён фаолият кўрсатаётган “Денгиз лок-бўёқ” масъулияти чекланган жамияти ўзининг кенг турдаги пардозлаш ашёлари билан юртимиз бунёдкорлари эътиборига тушиб улгурди.

Ҳозир бу ерда 10 хилдан ортиқ лок-бўёқ маҳсулотлари тайёрланмоқда. — Айни пайтда банкнинг 500 миллион сўмлик кўмагига таяниб, техник ва технологик янгила-нишларни амалга оши-раёلمиз, — дейди тад-биркор Абдумалик Ниё-зов. — Пировардида корхонаимизнинг ишлаб чиқариш қуввати ками-да уч баробарга орта-ди. Бу эса маҳсулот си-фатини янада ошириб, уни ташқи бозорга ҳам чиқариш имконини бе-ради.

Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ташқи бозордан буюртма

Нурота туманида болалар ва катталар учун замонавий дизайндаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги лойиҳа рўйбга чиқарилди.

Бунинг учун 600 миллион сўм маблағ сарфланди. Ишлаб чиқариш цехлари хоризнинг замонавий тикув дастгоҳлари, дазмоллаш ва пресслаш ускуналари билан жиҳозланди. Пировардида мазкур “Nurota textile” масъулияти чекланган жамиятида 80 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. — Ҳозир хориздан кўплаб буюртмалар қабул қила-ёلمиз, — дейди корхона раҳбари Олим Яхёев. — Яқин-да хориздан келтирилган янги дастгоҳ ўрнатилиб, ки-йимларга бежирим суратлар билан безак бериш йўлга қўйилди. Келгусида “Nurota textile” брендини ярати-б, маҳсулот турини кўпайтириш ниятидамиз.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дастурхонга хуштаъм неъматлар

Экологик жиҳатдан тоза ва юқори сифатли ичимлик суви ҳамда болалар учун мўлжалланган сутли таомлари билан ички ва ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллаган “Нестле Ўзбекистон” кўшма корхонасида маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш ўзлаштирилди.

Корхонанинг Намангандаги фабрикасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган янги турдаги сўт, қаймоқ ва сариёғ ўтган ойда савдо тар-моқлари пештахталари-дан ўрин олди. Улар ўзига хос таъми, ёғли-лик даражаси ва юқори сифати билан истеъмол-чиларнинг эътирофига сазовор бўлаётди.

Қудратилла
НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон парламентаризми тараққиёти

Сеулдаги анжуманда юксак эътироф этилди

Яқинда Сеулда “Сиёсий тизим модерни-зацияси шароитида парламентаризм тараққиёти масалалари” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

У мамлакатимизнинг Корея Республикасидаги элчихонаси томонидан Жанубий Кореянинг “Ипак йўли” жамғармаси, Ханянг университетининг Осиё-Тинч океани тадқи-қот маркази ва Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти билан

ўзаро ҳамкорликда таш-кил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мони-торинги институти, Олий Мажлис Қонунчи-лик палатаси ва Фуқаро-лик жамияти шаклла-

нишини мониторинг қилиш мустақил инсти-туту вакилларидан иборат мамлакатимиз деле-гацияси қатнашди. Корея Республикаси томо-нидан эса Миллий Ас-самблея депутатлари, сиёсат ва жамоат ар-боблари, илмий-акаде-мик ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари, шунингдек, ОАВ ходим-лари ҳозир бўлди. Илмий-амалий семи-нарда Ўзбекистонда де-мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш,

кучли фуқаролик жамия-тини ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаат-лари муҳофазасининг са-марали механизмларини яратиш юзасидан олиб борилаётган ислохотлар хусусида сўз юритилди. Мамлакатимизда де-мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концеп-цияси Жанубий корейлик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Ахборот технологияларининг жадал ривожланаётгани, жамият ҳаётининг барча жабҳасига янада интеграциялашуви ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фойдаланувчиларни кибер-таҳдидлардан ҳимоя қилишга қодир тизимни яратишни тақозо этмоқда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимиз Ислам Каримов-нинг 2005 йил 5 сентябрда қабул қилинган “Миллий ахборот-комму-никация тизимларининг компьютер хавфсизлигини таъминлаш бораси-

даги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш доирасида Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш

маркази (Uzinfocom) ҳузурда Компьютер хадисаларига чора кўриш хизмати (UZ-CERT) ташкил этилди. Миллий ахборот тизимлари ва интернетдан фойдаланувчилар учун ягона марказ бўлган ушбу хизмат томонидан ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, маслаҳат бериш ҳамда техник кўмаклашиш борасида салмоқли ишлар амал-га оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вази-ри А. Комилов билан уч-рашувда Ўзбекистон би-лан Буюк Британия ўрта-сидаги ҳамкорлик кўлаб соҳаларда изчил ривож-ланаётгани, мавжуд ало-қаларни янада мустаҳкам-лашдан икки томон ҳам манфаатдор экани алоҳи-да таъкидланди. Ўзбеки-стон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик-нинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид ма-салалар, долзарб халқа-ро ва минтақавий муам-молар юзасидан фикр алмашилди.

Саида Варсининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан

Ўтказган музокарасида парламентларо ҳамкор-ликни янада ривожланти-риш масалалари атраф-лича музокама қилинди. Мехмонга мамлакатимиз-да амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ис-лохотлар ҳақида маълум-от берилди.

— Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисо-дий ҳамкорлик изчил ри-вожланаётди, — деди Саида Варси. — Бунга Ўзбекистонда британия-лик сармадорлар ишти-рокида тузилган қатор кўшма корхоналар фао-лияти яхши мисолдир.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Юксак билим ва малака

маҳалла маслаҳатчилари фаолиятини кучайтиришда муҳим ўрин тутди

Маълумки, “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилган “Фуқаролар йиғинлари-нинг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танлови Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғри-сида”ги қонунлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, улар ижросини тўлақонли таъминлаш ҳамда маслаҳатчилар фаолиятини самарали ташкил этиш-да муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

Пиллачиларимиз муваффақияти

Мамлакатимиз пиллачилари томонидан бугунги кунга қадар 25 минг тоннадан зиёд “кумуш тола” тайёрланиб, бу борадаги йиллик шартнома мажбурияти бажарилди.

ИФТИХОР

Пиллачиликни қишлоқ хўжа-лигининг биринчи хазинаси, дейишади. Бу бежиз эмас, ал-батта. Чунки пилла ҳам тарози-га эрта тушади. Кейинги йил-ларда давлатимиз томонидан тармоққа қаратилаётган алоҳи-да эътибор, пиллачиларга яра-тиб берилётган муносиб шарт-шароит туфайли маҳсулот тай-ёрлаш ҳажми ортиб, сифати то-бора яхшиланмоқда. Табиийки, бунда Президентимизнинг 2006

йил 15 ноябрдаги “Республика пиллачилик тармоғини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим омил бўлмоқда. Чиндан ҳам, мазкур ҳужжат ижроси юзасидан амалга оши-рилаётган ислохотлар натижа-сида, энг аввало, сифатли хом ашё тайёрлаш учун ипак курти озуқа базаси мустаҳкамланиб, пиллачиларнинг моддий ман-фаатдорлиги оширилди. Хусу-

сан, жорий мавсум аввалида 54,4 миллиард сўм миқдоридан маблағ бўнак пули тарихида берилдики, бу етиштирилади-ган ҳосил ҳақининг 40 фоизидан кўпдир. Бундан ташқари, пилланинг харид нархи ўртача 35 фоиз ортирилиши кўрт бо-қувчиларга 34 миллиард сўм кўшимча даромад олиш имко-нини берди.

(Давоми 3-бетда).



(Давоми. Бошланчи 1-бета).

Миллий банк — молиявий ҳамкоримиз



Пиллачиларимиз муваффақияти

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириликдан маълум қилинишича, бу йил 45 мингдан зиёд фермер ҳўжаликларида 447 минг кутидан ортқ ипак курти парваришланди. Уртача ҳосилдорлик 57,5 килограммни ташкил этиб, яғли ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилингани қувонарлидир.

Жорий мавсумда Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларининг пиллачилари, айниқса, хирсонга муносиб ҳисса қўшдилар. Ҳосилдорлик бўйича Каттақўрғон, Нарпай, Қумқўрғон, Денов, Ёнқудон, Жондор, Қасби, Қосон, Бешарик, Богдад, Бўка, Юқори Чирчиқ, Амударё, Беруний туманларида юқори натижага эришилди, ҳар кути ипак куртидан 60 — 66 килограмм саноатлоб пилла этиштиришга муваффақ бўлинди. Бу қўрсаткич Чимбой туманидаги "Аралбай" фермер ҳўжалигида 83 килограммга, Жалолқудқ туманидаги "Низом тонг шабадаси" фермер ҳўжалигида 82 килограммга, Мирзачўл туманидаги "Улиасар Жалолқон" фермер ҳўжалигида 76 килограммга, Қосон туманидаги "Ҳайдар бобо Бобомуродов" фермер ҳўжалигида 75 килограммга етказилди.

Айтиш жоизки, бу йил "Узпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги пахта қабул қилиш пунктларида 196 та ихтисослаштирилган қўрхона ташкил қилингани республикамиз фермерларига катта мадад бўлди. Бугунги кўнда пиллачилик тармоғида изчил олиб борилаётган ихтисотлар замирида ипак куртининг яғли зот ва дўрағайларини яратиш, пиллани халқаро стандартлар даражасида қайта ишлаб, жаҳон бозорига хариддорлар тола олиш, уни чуқур қайта ишлаш ва замонавий бозор тамойиллари асосида сотишдек эзгу мақсадлар муҳасам. Бу эса ўзбек пиллачилиги ва ипакчилигининг дўруғини олам узра янада кенгроқ таратишга хизмат қилиши мўжаррадир.

Бугунги кўнда пиллачилик тармоғида изчил олиб борилаётган ихтисотлар замирида ипак куртининг яғли зот ва дўрағайларини яратиш, пиллани халқаро стандартлар даражасида қайта ишлаб, жаҳон бозорига хариддорлар тола олиш, уни чуқур қайта ишлаш ва замонавий бозор тамойиллари асосида сотишдек эзгу мақсадлар муҳасам. Бу эса ўзбек пиллачилиги ва ипакчилигининг дўруғини олам узра янада кенгроқ таратишга хизмат қилиши мўжаррадир.

Бугунги кўнда пиллачилик тармоғида изчил олиб борилаётган ихтисотлар замирида ипак куртининг яғли зот ва дўрағайларини яратиш, пиллани халқаро стандартлар даражасида қайта ишлаб, жаҳон бозорига хариддорлар тола олиш, уни чуқур қайта ишлаш ва замонавий бозор тамойиллари асосида сотишдек эзгу мақсадлар муҳасам. Бу эса ўзбек пиллачилиги ва ипакчилигининг дўруғини олам узра янада кенгроқ таратишга хизмат қилиши мўжаррадир.

Р. САИДОВ.

Бугун мамлакатимизда озиқ-овқат саноати қанчалик ривожланганини дастурхонимиз тўқин-сочинлигидан, юртошларимизнинг эътирофларидан билса бўлади. Кейинги йилларда ёғ-мой, гўшт, сут ва таъм берувчи қўшимчалар ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ҳамда уларда замонавий инновацион технологияларни жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар самараси, айниқса, қўзга яққол ташланмоқда.

ИНТИЛИШ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 — 2013 йилларда озиқ-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланиб, унда тармоқни раванқ топтиришнинг асосий йўналишлари белгилаб қўйилди. Бинобарин, ушбу ҳужжатда 2015 йилгача озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари ишлаб чиқарилишини кўпайтириш борасида қўллаб-қўллаш режалаштирилган. Дастур асосида бизнинг макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Makiz Baraka" корхонамиз ҳам тубдан модернизация қилинди. Рақобатбардош, нуфузли ишлаб чиқариш субъектига айланди. Агар янгилашни жараёни ҳақид

тўхталсак, авваламбор, "Ўзмиллийбанк"нинг Яқкасарой филиалидан миннатдор эканлигини таъкидлашни истардик. Негаки, мазкур молия муассасаси ўз бизнес лойиҳамизни тақдим этганимиздан сўнг қисқа фўрсатда бизга 170 000 АҚШ доллари миқдорда кредит ажратди. Ушбу маблағ ёрдамида ишлаб чиқаришнинг илгор технологиялар билан янада бойитдик. Хўсуан, хоржидан маҳсулотимизни халқаро стандартларга мос даражада тайёрлаш ва қадоқлашга мўлжалланган замонавий ускуналар сотиб олдик. Бу автоматлаштирилган линиялар ёрдамида соатига бир ярим тоннагача маҳсулот тайёрлаш мўмкин.

Шу билан бирга, унинг электр энергияси сарфи бўйича анча тежамкорлиги маҳсулотларимиз таннарихнин пасайтириб, ишчиларимиз



Реклама ўрнида

меҳнатини енгиллаштиришга хизмат қилаётти. Буларнинг бари корхонамизни изчил ривожлантиришда айна мўддао бўлаётти. Хўзирги кўнда жамоамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган "Makiz", "Buon", "Gusto", "Gold Mag", "Ponto" каби макарон маҳсулотларимизни нафақат ички, балки ташқи бозорларга етказиб беришимизда қўл келмоқда. Қувонарлиси, корхонамизда амалга оширилган бу каби модернизациялаш тадбирлари туғайли 100 та иш ўрни яратилди.

Айна чоғда "Supreme Foodservice GmbH" компанияси билан экспорт шартномаси бўйича келишўвга эришилди. Унга қўра, яқин кўнларда макарон маҳсулотларини қўшни Афғонистон Республикасига етказиб бера бошлаймиз. Юртимизда кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ихтисотлар, қолаверса, тижорат банклариинг биз, ишбилармонларга кўрсатаётган моддий кўмағи натижасида ана шундай муваффақиятларга эришяямиз. Бундай эътибор ва ёрдамдан мамнунмиз, албатта.

Б. АБДУВАХОБОВ, "Makiz Baraka" МЧЖ директори.



«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали қўйидагиларни маълум қилади. «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 5 июндаги 108 (5782)-сонид

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! Очқк танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Ўзмиллийбанк» кенгашининг 2013 йил 28 февралдаги 12-сонли йиғилиш қарорига асосан, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Мингчиноқ кўрғони, Чордара маҳалласида жойлашган собиқ «Митан шароб» МЧЖга тегишли қўйидаги асбоб-ускуналар қўйилмоқда: 1. Узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси (ишлаб чиқарилган йили номаълум, қўйиш линияси, қозонлар, узумни дастлабки қайта ишлаш ускунаси, трансформатор).

Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, «Шўрсой» МФИга қарашли Шўрсой маҳалласидаги узунлиги 2,0 км. бўлган ички ҳўжалик автомобиль йўлини жорий таъмирлаш. Обьектнинг бошланғич баҳоси — қўшилган қиймат солиғи билан 134,474 млн. сўм. Қурилиш мўддати — 30 кун. Бўюртмаси — Бойсун тумани ободонлаштириш бўшқармаси. Манзил: Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, М. Тоғаев кўчаси, 4-уй.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибид

2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини битираётган ёш мутахассислар ҳақида МАЪЛУМОТ

Table with columns: T/p, Nomi, Koodi, Bityruvchilarning umumiy soni, Jami grant, Jami tўlov-kontrakt, Koravallopogiston Respublikasi, Andijon viloyati, Buxoro viloyati, Jizzax viloyati, Navoiy viloyati, Namangan viloyati, Samarqand viloyati, Surxondaryo viloyati, Sirdaryo viloyati, Toshkent viloyati, Farqona viloyati, Xorazm viloyati, Qashqadaryo viloyati, Toshkent shahri, Bozika davlatlar, and BAQALAVRIAT/MAQISTRATURA.

Иқтидорли ва қобилиятли ёшларнинг интилиш ҳамда изланишларини муносиб рағбатлантириш навиқрон авлоднинг етук маънавий фазилатлар руҳида камол топиши, юрт ишончига лойиқ фарзанд бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Иқтидорли ёшлар танлови

амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича билмиларини синовдан ўтказдилар.

Бу гал танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ўтган йилгидан анча кўп — 8500 нафардан зиёд ўқувчи ҳамда талабалар қамраб олинган ёшлар орасида янги галдан-янгидан истеъдод эгалари пайдо бўлаётганидан далолат бермоқда. Масалан, танлов иштирокчиси Дилшод Тошмуродбоевни олайлик. У айни пайтда Бекобод шаҳридаги санъат касб-хунар коллежидан таълим олади. Дарс машғулотлари билан бирга, илм-фан ютуқлари, техникавий иختиро ва инновацион янгиликлардан доимий бохабар бўлиб боришга интилади. Шу босқичда танлов ҳайъатига бир неча техник ишланмаларини тақдим этди.

— Биласиз, бизнинг Бекобод туманида танловнинг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 1034 нафар йигит-қиз архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар, техник ишланмалар, миллий ҳамда

Шу маънода, мен тақлиф этаётган иссиқхона технологияси ёрдамида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда шамолдан иссиқлик ҳосил қилувчи муқобил манба сифатида фойдаланса бўлади. Энг муҳими, у тежамкор технология бўлиб, иситиш қозонларини энергия билан таъминлашда шамол ёрдамида ишловчи паррақли генераторлардан фойдаланилади.

Дарвоқе, Дилшод ўзи ясаган замонавий иссиқхона макетини шаҳардаги металлургия корхонаси мутасаддиларига тақдим этишга ҳам улғурибди. Унинг айтишича, агар қурилма мутахассислар эътиборини қозонса, металлургия корхонаси қуриш ва баҳор мавсумида тансиқ дала неъматлари билан узлуксиз таъминлаш имконияти янада ошади.

Чирчиқлик Жамолдин Мадалиевнинг изланишлари эса мамлакатимиз ипакчилик санъатини янада ривожлантиришга мўлжалланган. Ёш иқтидор соҳиби танловда ипакчилик чежи макети билан

иштирок этмоқда. Лойиҳанинг афзаллиги шундаки, унга мувофиқ, цех ипак кўртини парваришlash ва сифатли хом ашё етиштиришдан тортиб, ранг-баранг ипак маҳсулотлари тайёрлашга бўлган барча жараёни қамраб олади.

Эътироф этиш жоизки, танлов кўргазмасининг рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмаларга оид қисми, одатдагидек, бу гал ҳам иштирокчилар, янгиликка қизиқувчи ёшлар ҳамда соҳа мутахассислари билан гавжум бўлди. Кўргазмадан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган ёш иштирокчиларнинг техник ишланмалари, лойиҳалари жой олди. Бундан ташқари, қатнашчиларнинг архитектура ва дизайн, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича танлов ҳайъати эътиборига ҳавола этган ижодий ишлари ҳам ўзига хос кўргазмалар, бадиий чиқишлар, сахна кўринишлари тарзида намойиш қилинди.

Танлов жараёнида тегишли соҳаларнинг тажрибали экспертларидан иборат ҳакамлар ҳайъати барча йўналишлар бўйича иштирокчи ёшларнинг изланишларига, ижодий ишларига ҳолис баҳо беришди. Шундай қилиб, якуний натижаларга кўра, қатнашчилар орасидан саралаб олинган 45 нафар иқтидор соҳиби кўриқнинг республика босқичида иштирок этиш учун тавсия қилинди. Ҳали ҳам соҳибдорлар махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Зарур тавсия, тезкор муолажа

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Қашқадарё вилоятида ҳам «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шiori остидаги саломатлик ҳафталиги тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

САЛОМАТЛИК

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур ҳафталик аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, кенг жамоатчилик вакилларига юқори сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарши шаҳри, Косон, Муборак, Касби, Миришкор ва Нишон туманларидаги кўриқдан ҳар кун миңдан ортиқ киши ўз саломатлигини тиклаш бўйича зарур тавсиялар оломоқда. Хусусан, Косон тумани тиббиёт бирлашмасида туман тиббиёт бирлашмасида тиббий маслаҳатга эҳтиёжманд бўлиб кишиларни қабул қилишди. Рақамли флюорография, ультратовуш, эхокардиография каби текширувлардан сўнг мурожаат қилганларнинг ҳар бири соғлиги ҳақида етарлича маълумотга эга бўлди.

— Тадбир давомида невропатолог, кардиолог, терапевт, эндокринолог, офтальмолог, хирург, лор, уролог, педиатр ва ортопед мутахассислари иштирокида етти-

та тумандаги 10 миңдан зиёд аҳолини чуқур тиббий текширувдан ўтказиш кўзда тутилган, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош терапевти Дилором Алиқуллова. — Чуқурлаштирилган текширувдан сўнг ҳар бир беморга амбулатория шароитида, зарур ҳолларда эса, стационар даволашни учун йўланмалар берилмоқда.

— Анчадан буюн умуртка остеохондрозидан азият чекаман, — дейди Косон туманидаги Оброн кишилогиди тиклаш бўйича Ғолиба Рўзиқуллова. — Бу ерда малакали шифокорлардан зарур маслаҳатлар ва даволашни учун шифохонага йўланма олдим. Бундай тиббий кўриқлар ҳар доим ҳам узоққа бора олмайдиганларга, айниқса, кўл келмоқда.

Тиббий кўриқнинг дастлабки икки кунда мурожаат этган 2122 нафар фуқародан 722 нафари даволашни учун вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, республика илмий текшириш институтлари ва бошқа тегишли муассасаларга юборилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Спорт

Пойтахтимизда таэквондо (ITF) бўйича III Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Мазкур нуфузли мусобақада йигирмага яқин давлатдан 200 нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида ташкил этилган бахсларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 33 та олтин, 32 та кумуш ва 36 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Иштирокчилар комплекс машқ, якка-ма-якка жанг, махсус техника намойиши, предметларни синдириш ва кўргазмаларни қилиш бўйича ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Тошкентда самбо бўйича Осиё чемпионати ва самбо юлдузлари иштирокидаги жаҳон чемпионати ўтказилди.

Беллашувларда йигирмадан зиёд давлатдан келган 500 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун ўзаро баҳслашди.

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўтказилган мurosасиз мусобақалар якунида вакиллариимиз катталар ўртасида 7 та олтин, 2 та бронза, ўсмирлар баҳсида 7 та олтин, 2 та бронза, ёшлар мусобақасида 8 та олтин ва 2 та кумуш медални қўлга киритишди.

Хотин-қизлар ўртасида эса 18 та олтин ва 7 та кумуш, 4 та бронза медал ўзбекистонлик спортчиларга насиб этди. Мусобақанинг жанговар самбо беллашувларида ҳамюртларимиз саккизта олтин ва битта бронза медал билан тақдирландилар.

Самбо юлдузлари иштирокидаги жаҳон чемпионатида вакиллариимиз 4 та олтин, 6 та бронза медалга сазовор бўлдилар. Хотин-қизларимиз эса учта олтин, олти кумуш ва ўн битта бронза медалга жамғаришди.

Ғолибдин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Қўмитаси аъзоси А. Ш. Раҳмоновга онаси **БАҲМАЛ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси «Ахборот» информаион дастурлар бош муҳарририяти компьютер мутахассиси Ноира Зуфаровага волидаи муҳтарамаси **РАЪНО** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқаро кинофорумга таратдуд

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Айни пайтда таниқли режиссёрлар, киношунослар, кинотанқидчилардан иборат саралаш комиссияси кинофорумга тақдим этилган фильмларни атрофлича таҳлил этиб бормоқда.

Бу йил фильмларнинг мазмуни ва географиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирга қадар Германия, Франция, Италия, Швейцария, Венгрия, Польша, Болгария, Сербия, Жанубий Корея, Хитой, Вьетнам, Бразилия, Мексика, Перу, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Саудия Арабистони каби мамлакатлар вакиллари кинофорумда иштирок этиш истагини билдиришган.

— Бу галги халқаро кинофорум ҳам «XXI аср тамаддуллари: маданиятлар мулоқоти» мавзусига бағишланган бўлиб, «Кўзгу ва тилсимда, акс садо ва мажозий ифодада» деган фалсафий шior остида ўтказилмоқда, — дейди «Олтин Гепард» халқаро Тошкент кинофоруми бош директори, санъатшунос Акбар Ҳакимов. — Кинофорум кунлари минифестиваллар, маҳорат сабоқлари, турли гала-намоиш ҳамда ижодий учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, мазкур йилги тадбир доирасида «Глобал дунёда — миллий кино» мавзусида илмий анжуман ташкил этилади. Бундай тадбирларни ташкил қилишдан мақсад миллий киносанъатимиз ютуқларини кенг миқёсда намойиш этиш ва ёш ижодкорларимизни жаҳон киносининг энг сўнгги ютуқлари билан яқиндан таништиришдир.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хурманли хонимлар ва жабоблар!

«ЎЗБЕКИСТОН» ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ

сизларни Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сиаҳатчилик турида табиат қўйнида хордиқ чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишга тақлиф қилади.



Бизнинг манзил: Тошкент ш., С. Азимов к., 65-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-55-18, 232-13-67, 233-64-92.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

● Реклама ва эълонлар ●

Infin BANK

2013 йил 27 майда
«Moody's Investors Ltd.»
халқаро рейтинг агентлиги

«Invest Finance Bank»
хусусий очик акциядорлик
тижорат банкининг
рейтингини тасдиқлади.

Глобал шкала бўйича
В 3/НР.

Барча рейтинглар истиқболи
«БАРҚАРОР».




**Иностранное предприятие
ООО «С and N Industry»**

предлагает
ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНУЮ ТЕХНИКУ

Под заказ.








Адрес: г. Ташкент, 100015,
Мирабадский р-н,
ул. Айбека, 38 «А»,
бизнес-центр «Авалон», 2-й этаж.
Тел./факс (+99871) 252-50-03,
моб.: (+99893) 398-07-33,
(+99890) 906-54-85.
E-mail: uzvolvo@gmail.com

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Таҳриятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳрият жавобгар эмас.
Газета таҳрият компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Орипов.
Набатчи муҳаррир — И. Ўтборсаров.
Набатчи — З. Худойшукров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машираббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5